

Источник и использованная литература:

1. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: Ўзбекистон, 2021. - 464 б.
2. Закон Республики Узбекистан № ЗРУ-754-ХII «Об охране природы» от 9 декабря 1992 г.
3. Указ Президента Республики Узбекистан от 28.01.2022 года №УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 - 2026 годы».
4. Указ Президента Республики Узбекистан от 29 октября 2020 года №УП-6097 «Об утверждении концепции развития науки до 2030 года».
5. Указ Президента Республики Узбекистан от 21 сентября 2018 года №УП-5544 «Об утверждении стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы».
6. Абдурахманов К.Х. Человеческий капитал – важнейший фактор роста экономики. // BiznesDaily БИРЖА, 1 февраля 2022 г.
7. Генкин Б.М. Экономика и социология труда. – М.: Норма, 2008. - 448 с.
8. Добрынин А.И., Дятлов С.А., Цыренова Е.Д. Человеческий капитал в транзитивной экономике: формирование, оценка, эффективность использования. – СПб.: Наука, 1999. 309 с.
9. Корчагин, Ю.А. Человеческий капитал как фактор роста и развития или стагнации, рецессии и деградации: Монография. – Воронеж: ЦИРЭ, 2016. – 252 с.
10. Магруппов А.Ю. Человеческий капитал – главный фактор инновационного развития Республики Узбекистан. // Вестник науки и образования. Часть 1, 2019.
11. Отто О.Э. Влияние человеческого капитала на формирование цифровой экономики в Узбекистане. // Молодой ученый №22 (312), 2020.
12. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи К. Экономика. Пер. с англ. 2-е изд. – М.: Дело ЛТД, 1995. - 864 с.
13. Хазраткулова Л. Человеческий потенциал регионов Узбекистана – исследование. // Экономическое обозрение №7 (259) 2021.
14. Шомиев Г.У. Здоровье как фактор формирования человеческого капитала // Иктисодиёт ва таълим. №2, 2020
15. Becker Gary S. Human Capital. – Columbia University Press, 1964.
16. Lucas R.E. (2015) Human Capital and Growth. American Economic Review: Papers and Proceedings, vol. 105, iss. 5, pp. 85–88.
17. Mankiw N.G., Romer D., Weil D.N. (1992) A Contribution to the Empirics of Economic Growth. Quarterly Journal of Economics, vol. 107, iss. 2, pp. 407–437.
18. Schultz T.W. (1961) Investment in Human Capital. American Economic Review, vol. 51, iss. 1, pp. 1–17.
19. Solow R.M. (1991) Growth Theory. In: Companion to Contemporary Economic Thought. M.Bleaney, D.Greenaway, I. Stewart (eds.). London, Routledge. 858 p.



 https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a7

**АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ТЕНГСИЗЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ
ОМИЛЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ ЭМПИРИК НАЗАРИЯЛАРИ**

Зайниев Фарход Нуриддинович -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил изланувчиси

Аннотация. Аҳоли ўртасида даромадлар тенгсизлиги мавжудлигининг зарур шартларидан бири моддий ва маънавий бойликларни алоҳида уй хўжаликлари ўртасида тақсимлаш жараёнидир. Ушбу тақсимот натижасида даромадларнинг табақаланиши мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодиса бўлиб, кўплаб омиллар таъсирида юзага келади.

Калит сўзлар: даромадлар тенгсизлиги, уй хўжаликлари даромадлар, даромадларининг табақалани, даромадларнинг микродаража, мезодаража ва макродаражада табақаланиши, уй хўжаликлари, Корреляцион таҳлил.

**ЭМПИРИЧЕСКИЕ ТЕОРИИ ОЦЕНКИ ФАКТОРОВ, ВЛИЯЮЩИХ НА
НЕРАВЕНСТВО ДОХОДОВ НАСЕЛЕНИЯ**

Зайниев Фарход Нуриддинович -

Ташкентский государственный экономический
университет независимый исследователь

Аннотация. Одним из необходимых условий существования неравенства доходов населения является процесс распределения материальных и духовных благ между отдельными домохозяйствами. В результате такого распределения расслоение доходов представляет собой сложное социально-экономическое явление, возникающее под влиянием множества различных факторов.

Ключевые слова: неравенство доходов, доходы домохозяйств, распределение доходов, микродоходы, мезодажи и классификация макродаров, доходы домохозяйств, корреляционный анализ.

EMPIRICAL THEORIES OF ASSESSMENT OF FACTORS INFLUENCING
POPULATION INCOME INEQUALITY

Zayniev Farkhod Nuriddinovich
Tashkent State University of Economics
independent researcher

Abstract. *One of the necessary conditions for the existence of income inequality of the population is the process of distribution of material and spiritual wealth between individual households. As a result of this distribution, income stratification is a complex socio-economic phenomenon that arises under the influence of many different factors.*

Key words: *income inequality, household income, income distribution, micro-income, meso-days and classification of macro-gifts, household income, correlation analysis.*

Кириш. Замонавий ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг ўзига хос хусусияти уй хўжаликлари даромадларидаги тенгсизлик даражасини ошиб бораётганлиги ҳисобланиб, Ipsos ва Лондон Қироллик коллежи иқтисодчи олимларининг ҳамкорликда ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, 28 мамлакатда яшовчи аҳоли дунёдаги даромад тенгсизликнинг юзага келишидаги энг муҳим омил сифатида даромадларни тақсимлашдаги тенгсизлик эканлигини кўрсатиб ўтган [1]. Мазкур сўровнома натижаларини Oxfamнинг 2019-йилдаги олиб борган тадқиқотлари натижалари тасдиқлайди, унда дунёдаги миллиардерлар (2153 кишини) 4,6 млрд. кишидан ортиқ бойлиги қайд этилган [1]. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган 2030 йилгача барқарор ривожланиш дастуридаги устувор вазифалардан бири сифатида аҳоли даромадларининг тенгсизлик даражасини қисқартириш ҳисобланади. Жамиятда даромадларнинг нотекис тақсимланиши ҳам шахсларнинг шахсий ютуқлари билан боғлиқ, ҳам уларга боғлиқ бўлмаган турли омиллар таъсирининг бевосита натижасидир. Даромадлар тенгсизлиги даражасини пасайтириш муаммосини ечимида, даромадларни фарқланишига таъсир этувчи асосий омилларини аниқламасдан ва уларнинг таъсир даражасини баҳоламай, самарали натижага эришиш мумкин эмас.

Адабиётлар шарҳи. Кадыров аҳоли даромадларига таъсир этувчи барча омилларни таъсир даражаларига кўра бўлинишни таклиф қилган. Биринчи даражага инсоннинг ўзига, унинг ҳаётдаги мавқеига, инсон капитали ва меҳнат салоҳиятига боғлиқ омиллар (маълумот, малака, тажриба, бандлик тури, иш ҳолати, мартаба ўсиши, таълим, касбий, молиявий ҳар қандай кўринишда капитал мавжудлиги) киради; иккинчи даража (микро даража) иш жойи билан боғлиқ омилларни ўз ичига олади: корхонани ўз ичига олган тармоқ, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, товар-молия бозорлари ва меҳнат бозоридаги ўрни, жамоадаги ижтимоий ва меҳнат муносабатлари; учинчи даража (макродаража) ҳудудий иқтисодиёт ва бутун мамлакат иқтисодиёти билан боғлиқ омилларни ўз ичига олади: давлатнинг иқтисодий сало-

ҳияти ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ялпи миллий маҳсулот қиймати ва миллий даромад нарх сиёсати солиққа тортиш тизими [2].

Булавинец ва Заклетка ҳам Кадыров сингари уй хўжаликлари даромадлари табақланишига таъсир даражасига кўра омилларни куйидаги гуруҳлари ажратишган [3]:

1) хусусий омиллар: инсоннинг жисмоний ва интеллектуал қобилиятлари; таълим касбий ва малака даражаси; тадбиркорлик қобилиятининг мавжудлиги; мотивация ва меҳнатсеварлик; мулк объектларига эгаллик қилиш; уй хўжалигининг жинси, ёши ва миқдорий тузилиши;

2) микро даражадаги омиллар (инсон меҳнат фаолияти оқибатида): корхона (фирма), муассаса ёки ташкилот тегишли фаолият тури; мулкчилик тури; хўжалик юритувчи субъектнинг ташкилий-ҳуқуқий тузилиши; товар ва ресурс бозорларида жой олиш; техник жиҳозлар даражаси; жойлашув манзили; корпоратив маданият даражаси;

3) макродаражадаги омиллар (давлат иқтисодиётига оид): иқтисодий салоҳият, миллий ишлаб чиқариш самарадорлиги, ялпи миллий даромад ҳажми, мамлакатнинг нарх сиёсати, солиқ тизими, ижтимоий ва меҳнат муносабатларини тартибга солиниши, ижтимоий шериклик институтларини ривожланиш даражаси.

Загидуллина томонидан эса даромад тенгсизлиги омилларини таъсирнинг табиати бўйича ажратилган: 1. Эндоген омиллар (ижобий таъсир омиллари) – меҳнат ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, малака ошириш ва шахсни такомиллаштиришга моддий манфаатдорликни шакллантирувчи омиллар. Даромадни аниқлашда улар ҳисобга олиниши керак ва бу омиллардан келиб чиқувчи фарқланиш даражаси чекланмаслиги керак. 2. Экзоген омиллар (салбий таъсир омиллари) – меҳнатнинг сифати ва миқдори билан бевосита боғлиқ бўлмаган ва шахсларнинг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий мавқеига салбий таъсир кўрсатувчи юқори иқтисодий тенгсизликни келтириб чиқарадиган омиллар. Бу омиллар гуруҳига ишсизлик ва инфляция даражаси, яширин иқтисодиётнинг ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг

қисқариши, даромадларни тартибга солиш соҳасидаги самарасиз давлат сиёсати киради [4]. Гончарова ҳам аҳоли даромадларининг табақаланишига таъсир этувчи омилларни уларнинг таъсир қилиш характерида кўра ажратишни таклиф қилган, яъни тўғридан-тўғри таъсир этувчи омиллар (уй хўжаликлари даромадларининг миқдори ва даражасига бевосита таъсир кўрсатувчи, асосан пул характеридаги жараёнлар ёки ҳодисалар; билвосита таъсир кўрсатувчи омиллар (асосан номонетар ва аҳоли даромадлари таркибига билвосита таъсир кўрсатувчи жараёнлар ёки ҳодисалар).

Стукаленконинг фикрича, омилларни аҳоли даромадлари табақаланишига мазмунига кўра таъсир кўрсатувчи олимларга ажратиш лозим бўлиб, 1) ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг хусусиятлари: бозор тузилиши; ҳудудий омиллар; аҳоли иқтисодий имкониятларнинг ўзгарувчан спектрига нотекис мослашиши; иқтисодиётни институционал ташкил этиш; демографик омиллар; жамиятнинг ахлоқий ва ахлоқий меъёрлари; солиқ тизими; 2) индивидуал характердаги хусусиятлари: ирсий омиллар; тўпланган инсон капитали; оила тури; но-расмий муносабатлар; 3) кутилмаган характердаги хусусиятлари: кутилмаган ҳодисалар, ижтимоий, сиёсий ва табиий ўзгаришлар.

Малкина эса бошқа иқтисодчи олимлардан фарқли ҳолда замонавий иқтисодиётда даромадлар тенгсизлигининг институционал омилларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратган бўлиб, буларга шахсларнинг табиий ва орттирилган фазилатлари; мақом фарқлари ва уларнинг чекловлари; меҳнат унумдорлигидаги фарқлар ва тармоқларнинг ривожланиш хусусиятлари; тўпланган мулкни тақсимлаш, шунингдек, активлар бўйича даромадлар динамикаси ва уларни баҳолаш хусусиятларини келтириб ўтган.

Тадқиқот методологияси. Ҳозирги кунда аҳоли даромадларининг табақаланиш даражаси боғлиқ мавжуд омилларни аниқлаш ва баҳолашнинг ягона методи мавжуд эмас, бироқ шу билан бирга, иқтисодчи олимлар томонидан турли омиллар ва уй хўжаликлари даромадлари ўртасидаги миқдорий боғлиқликни баҳолаш учун эконометрик моделлаштиришдан (корреляция ва регрессия таҳлилига асосланган) фойдаланиш тобора оммалашиб бормоқда. Шевяков ва Кирута томонидан таъкидланишича, иқтисодий ўсиш суръатларининг ортиқча тенгсизлик даражасига боғлиқлиги қуйидаги регрессия тенгламаси билан ифодаланади [5]:

$$y = -187,03x + 35,04 \quad (1.1)$$

Инвестициялар ҳажми ошишининг ортиқча тенгсизлик даражасига боғлиқлиги қуйидагича кўрсатилган[5]:

$$y = -367,88x + 65,84 \quad (1.2)$$

Шундай қилиб, аҳолининг иқтисодий тенгсизлиги Жини индексининг 0,01 (ёки 1 фоиз пунктга) пасайиши билан иқтисодий ўсиш суръатларининг 1,87 % га ошишига олиб келади ва инвестициялар ўсиши 3,8 % га етиши мумкин. Кейинроқ Кирута томонидан олиб борилган эмпирик таҳлил натижаларида даромадлар тенгсизлиги таълим сифатига, аҳоли саломатлиги, шунингдек, инновацион ривожланиш ва халқаро майдондаги рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатиши аниқланган [6]. Малкинанинг тадқиқотида корреляция коэффициентларини ҳисоблаш асосида Россия Федерациясининг юқори меъёрий ва камроқ ортиқча тенгсизлик кўрсаткичлари бўлган ҳудудлари юқори турмуш даражасига хос эканлиги кўрсатиб берилган [7].

Иқтисодчи олимлар Овчарова, Попова ва Рудберглар юқорида кўрсатиб ўтилган тадқиқотчилардан фарқли равишда уй хўжаликлари даражасида пул даромадларининг табақаланишига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилган. Регрессив таҳлилдан фойдаланиб, гуруҳлараро даромадлар тенгсизлигининг энг муҳим омилларидан бири бу яшаш жойи ва уй хўжалигида болалар мавжудлиги деган хулосага келганлар.

Лаптева ва бошқалар томонидан олиб борилган эмпирик таҳлилда ўртача яшаш минимумининг 1 %га ошиши аҳолининг пул даромадлари қийматини 0,5 %га ўсишига; ўртача ойлик иш ҳақининг ўртача 1 %га ошиши эса аҳоли даромадларини 0,35 %га оширишга олиб келиши аниқланган. Карпухно ва Гучмазова томонидан олиб борилган эмпирик таҳлил натижаларида аксарият минтақаларда иқтисодий самардорликнинг кўриб чиқиладиган кўрсаткичлари ва аҳолининг ўртача жон бошига пул даромадлари ўртасида жуда яқин ва тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Даромадларни тақсимлашдаги тенгсизлик муаммосини ўрганишга бағишланган кўплаб илмий ишлар мавжудлигига қарамай, уй хўжаликлари даромадларини фарқлаш омилларининг тизимли типологияси, шунингдек, бу омиллар ва аҳолининг даромадлари даражаси ўртасидаги боғлиқликни миқдорий баҳолаш мавжуд эмас. Хусусан, эмпирик таҳлилда кўп омилли эконометрик моделни тузиш асосида аҳоли даромадларини табақалаш омилларини аниқлаш таклиф этилган ва қўйилган мақсадга мувофиқ қуйидаги қуйидагилар вазифалар этиб белгиланган [8]:

– даромадлар табақаланишига таъсир этувчи омилларни ўрганишда замонавий илмий тадқиқотларни ўрганиш;

– уй хўжаликлари даромадларини фарқлаш омиллари типологиясини таклиф қилиш;

– корреляция таҳлили асосида аҳолининг жон бошига ўртача даромадлари билан уй хўжаликлари даромадларини фарқлаш омилларининг шаклланиш даражаси, мазмуни ва таъсирининг табиатини максимал даражада акс эттирувчи статистик кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликнинг яқинлигини баҳолаш;


– босқичма-босқич регрессия таҳлили алгоритмидан фойдаланиб, даромадларни фарқлаш омиллари ва уй хўжаликлари даромадлари ўртасидаги муносабатларни миқдорий аниқлаш учун эконометрик моделни яратиш.

Фикримизча, ўтказилган назарий таҳлиллар асосида таъкидлаш мумкинки, аҳолининг даромадларини табақалаш омилларини битта белги бўйича таснифлаш анча мураккабдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, уй хўжаликларининг даромадларини тенгсизлигига таъсир кўрсатувчи омилларини аниқлашга тизимли ёндашиш зарур ҳисобланади. Шундан келиб чиқ-

қан ҳолда уй хўжаликларининг даромадларини тенгсизлигига таъсир этувчи омиллари типологиясини таклиф қилган бўлиб, унда қуйидаги таснифлаш хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган: шаклланиш даражаси, омиллар таъсирининг мазмуни ва табиати (расм).

Шундай қилиб, шаклланиш даражасига кўра, даромадларни микродаража, мезодаража ва макродаражада табақалаштирилган омиллари аниқланган. Микродаражадаги омиллар гуруҳига шахснинг ўзига, унинг жисмоний ва интеллектуал қобилиятларига, ижтимоий мавқеига, меҳнат салоҳиятига боғлиқ бўлган омиллар (маълумот, малака, иш тажрибаси), тадбиркорлик қобилияти, тўпланган инсон капитали (билим, қобилият, кўникмаларни ривожлантиришга инвестиция қилиш) киртилган.

Макконнелл ва Брюлар аҳоли даромадлари тенгсизлиги даражасига таъсир этувчи омиллар сифатида таълимдаги дискриминация, ишга қабул қилиш, қайта тайёрлаш ва мансаб ошиши; шахснинг таваккалчиликка мойиллиги; омад; шахсий алоқаларнинг мавжудлиги; оилавий келиб чиқишини келтириб ўтганлар[9].



Расм. Аҳоли даромадлари тенгсизлигига таъсир этувчи омиллар таркиби [8]

Мезодаража шахснинг иш жойи (корхонанинг мулкчилик шакли, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, товар, молиявий ва меҳнат бозорларидаги мавқеи, техник жиҳозлари, жойлашуви), жамоадаги ижтимоий ва меҳнат муносабатлари билан боғлиқ омиллардан, шунингдек, уй хўжалигининг тури, ҳажми ва таркиби билан боғлиқ омиллардан иборат.

Макродаража мамлакат ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, олиб борилаётган иқтисодий сиёсат, мавжуд сиёсий вазият, маданий, ҳуқуқий ва институционал муҳит, илмий-техник ривожланиш даражаси билан боғлиқ омиллар билан ифодаланади. Бошқа томондан, уй хўжаликларининг даромадларини тенгсизлигига таъсир этувчи омилларини мазмунига иқтисодий, иж-

тимой, сиёсий, демографик, географик ва институционалкўра таснифлаш мумкин [8].

А.Тохтарованинг таъкидлашича, аҳоли даромадларини шакллантириш жараёнида иқтисодий омилларга (мамлакат ва минтақанинг иқтисодий салоҳияти, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси, иқтисодий йўналиши, ижтимоий меҳнатнинг унумдорлиги ва самарадорлиги, улар якуний маҳсулотдаги иш ҳақи улуши ва иш ҳақи даражасини, бозорнинг ривожланиши, муносабатлар, мулкни ўзгартириш) киради.

Фикримизга, даромадлар тенгсизлигининг иқтисодий асосини даромад манбаларининг турли-туманлиги ташкил этиб, бу уларнинг ўзига хос таркибий тузилишида намоён бўлади. Даромадлар таркибининг ҳар бир элементи меҳнатнинг мураккаблик даражасига, малакали ва малакасиз меҳнат ўртасидаги фарқларга, ишлаган иш соатларига, яъни меҳнат интенсивлиги ва унумдорлигининг мураккаблиги билан боғлиқ бўлган барчаси билан боғлиқдир.

Шундай қилиб, иқтисодий томондан даромад миқдори ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Аҳолининг даромадлари табақаланишига яширин иқтисодиёт ҳам сезиларли таъсир кўрсатаётганини кўрсатиб ўтиш мумкин. Яширин иқтисодиёти билан уй хўжаликларининг ўзаро таъсири қуйидагича амалга оширилади. Биринчидан, уй хўжаликлари пул маблағларини иқтисодиётнинг норасмий фаолият билан боғлиқ тармоқларига сарфлайди, шунинг учун улар яширин иқтисодиёт сектори маҳсулотининг истеъмолчисидир. Иккинчидан, уй хўжаликлари даромад оладилар ва меҳнатни яширин иқтисодиёт билан боғлиқ бўлган тармоқларга сарфлайдилар, бу эса яширин бандлик ва активлардан фойдаланишдан даромад олувчи ҳисобланади. Учунчидан, уй хўжаликлари яширин фаолиятининг юридик шахс бўлмаган хўжалик корхоналари томонидан со-

тилган ва расмий статистикада ҳисобга олинмаган қисмини бевосита амалга оширадилар[10].

Жамиятнинг ёш ва жинс таркиби, урбанизация даражаси, табиий ва миграция ҳаракати, аҳолининг турли гуруҳлари даромадлари даражаси каби демографик кўрсаткичларнинг таъсири туфайли сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин. Ижтимоий омиллар шахснинг ижтимоий мавқеи, қобилияти, билим даражаси, турли манбалардан даромад олиш имкониятига қараб унинг даромадлари миқдорига таъсир қилади ва бу омиллар шахснинг иқтисодий хулқатворининг табиати, унинг эҳтиёжлари даражаси, фаолият турини белгилайди.

Хулоса ва таклифлар. Аҳолининг даромадлари табақаланишига таъсир этувчи омиллар кўриб чиқиладиган замонавий илмий тадқиқотларни ўрганиш асосида уларни таснифлашни битта хусусиятга кўра амалга ошириш жуда қийин эканлигини таъкидлаш мумкин. Аҳоли даромадларининг табақаланиш даражасига ўзаро боғлиқ ва ўзаро боғлиқ омилларнинг бутун мажмуаси таъсир этишидан келиб чиқиб, аҳоли даромадларининг табақаланиш омилларини аниқлашга тизимли ёндашиш зарур. Аҳолининг даромадларини табақалаш омилларининг типологияси таклиф этилиб, унда қуйидаги таснифлаш белгилари бирлаштирилган: шаклланиш даражаси, омиллар таъсирининг мазмуни ва табиати.

Корреляцион таҳлил ёрдамида аҳолининг жон бошига ўртача даромадлари ва даромадларни фарқлаш омилларини акс эттирувчи статистик кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликнинг статистик аҳамиятлиги баҳоланди. Шу мақсадда аҳоли даромадларини табақалаш омилларининг шаклланиш даражасини, мазмуни ва таъсирининг характерини максимал даражада акс эттирувчи статистик кўрсаткичлар танлаб олинган ва тегишли атрибут бўйича гуруҳланган. Таъкидлаш керакки, энг катта миқдорий боғлиқлик аҳолининг жон бошига ўртача даромадлари ва яшаш минимуми ўртасида кузатилади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Карпунхо И.А., Гучмазова Д.А.2021. Эконометрическая модель выявления факторов дифференциации доходов населения. <https://elibrary.ru/item.asp?id=46618512>. <https://www.ipsos.com/ru-ru/kakie-vidy-neravenstv-vidyatsya-naiboleeseryoznymi>;
2. Кадыров Д.Б. Формирование и механизм регулирования доходов населения в системе факторов роста благосостояния: дисс. д-ра экон. наук. (08.00.01). Воронеж, 2003. 71 с.
3. Булавинец В.М., Заклекта А.И. Неравенство доходов населения: факторы и современное состояние. // Эффективная экономика. 2017. № 11. С. 23–31.
4. Загидуллина И.Ф. Факторы, тенденции и особенности дифференциации доходов в современной России: автореф. дис. канд. экон. наук: (08.00.01) – Москва, 2011. 30 с.
5. Шевяков А.Ю., Кирута А.А. Неравенство, экономический рост и демография: неисследованные взаимосвязи. – М.: М-Студио, 2009. 67-68 с.
6. Кирута А.А. Влияние неравенства на качество человеческого потенциала в России. //Вестник Института социологии. 2011. № 3.С. 73–84.
7. Малкина М.Ю. Институциональные основы неравенства доходов в современной экономике. // Journal of Institutional Studies (Журнал институциональных исследований). 2016. № 1(8). С. 100–120.
8. Карпунхо И.А., Гучмазова Д.А. Эконометрическая модель выявления факторов дифференциации доходов населения, 2021. <https://elibrary.ru/item.asp?id=46618512>.
9. Makkonell K.R. Economics: principles, problems and politics. Moscow: INFRA-M; 2009. 916 p.
10. Суринов А.Е. Ненаблюдаемая экономика: попытка количественных измерений: монография. – М.: ООО «Финстатинформ», 2003. 14 с.